

ТУХЛИЕВ Нурислом,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори

ЎЗБЕКИСТОН МАЪНАВИЙ РЕКРЕАЦИЯ МАМЛАКАТИ

УЗБЕКИСТАН СТРАНА ДУХОВНОЙ РЕКРЕАЦИИ

UZBEKISTAN IS A COUNTRY OF SPIRITUAL RECREATION

Аннотация: Мақолада зиёрат туризмнинг моҳияти, умумий туризмнинг бошқа сегментларидан фарқли жиҳатлари, Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантириш имкониятлари ва омиллари бу борада юртимизда амалга оширалаётган чора-тадбирлар илмий ёритилган.

Калит сўзлар: зиёрат, рекреация, фармон, қарор, христианлик, буддавийлик, сегмент, диверсификация, электрон платформа, цивилизация.

Аннотация: В статье научно освещаются вопросы сущности, отличительные черты духовного туризма от других сегментов общего туризма, возможности и факторы развития этого вида туризма в Узбекистане и осуществляемые меры в этом направлении.

Ключевые слова: паломничество, отдых, указ, решение, христианство, буддизм, сегмент, диверсификация, электронная площадка, цивилизация.

Annotation: The article scientifically highlights the issues of the essence, the distinctive features of spiritual tourism from other segments of general tourism, the opportunities and factors for the development of this type of tourism in Uzbekistan and the measures taken in this direction.

Key words: pilgrimage, recreation, decree, decision, Christianity, Buddhism, segment, diversification, electronic platform, civilization.

Кириш

Зиёрат энг қадимги саёҳат турларидан саналиб, маънавий асосга эга. “Зиёрат (арабча - زيارة - “зияра”) сўзидан олинган бўлиб “кўришга бориш (келиш)” маъносини билдиради. Мусулмонларда “зиёрат” – бу одатда муқаддас жойларга ташриф буюришдир. Руслардаги “паломник”, лотинчадаги “дунёни кезиб юрувчи диндор” тушунчаларига тўғри келади.

Асосий қисм

Ўзбекистон бутун ислом оламида ҳақли равишда маънавий рекреация, яъни зиёрат туризмнинг юртларидан бири деб тан олинган. Маълумки, Ўзбекистон ҳудудида турли конфессиялар – ислом, христианлик (православия ва католиклик), иудаизм, буддизм, зороастризмнинг ривожланиши билан боғлиқ кўплаб ёдгорликлар ва тарихий жойлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” фармонининг 35-мақсадида “Туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурини қабул қилиш” вазифаси қўйилган. Бу эса мамлакатимизда зиёрат туризмни ривожлантириш учун жиддий асосдир [2.20].

Зиёрат инсоннинг турли муқаддас маконлар бўйлаб сайёҳатидир. У кишининг доимий яшаб турган манзилдан узоқлашган ҳолда диний ёки дунёвий муқаддас жойларга зиёрат қилишини назарда тутди. Лўнда қилиб айтганда зиёрат – кишиларнинг муқаддас жойларга ташриф буюриши ва у ерларда маълум амалларни бажаришидир. Зиёрат одамларнинг маънавий ва жисмоний камолотга эришишига кўмаклашади. Оммавий туризм жисмоний (физиологик) рекреация бўлса, зиёрат туризми маънавий рекреациядир. Шу билан бирга, у барқарор туризмни ривожлантиришнинг муҳим сегменти сифатида миллий ғоя ва бирдамликни шакллантириш ва мустаҳкамлашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Зиёратнинг диний ва дунёвий турларини бир-биридан ажратиш лозим. Биринчиси илоҳий, иккинчиси эса умуминсоний қадриятларга асосланади.

Агар диний зиёрат муқаддас жойлар, шахслар, азиз авлиёлар дафн этилган манзилларга боришни билдирса, дунёвий зиёрат табиий, тарихий ва ҳаётий нарсалар жойлашган объектларга бориш ва уларни қадрлашда ўз ифодасини топади.

Дунёвий зиёрат комил инсон тарбияси билан чамбарчас боғлиқ бўлган сайру саёҳатдир. “Хотира ва қадрлаш” кунда “Мотамсаро она” ҳайкалига гулчамбар қўйиш, Тошкентдаги катагон қурбонларига бағишланган “Шаҳидлар

хотираси мажмуаси”ни, Самарқандда Амир Темир қабрини зиёрат қилиш, “Кўҳна ва Боқий Бухоро маданий маркази”га ёки Хиванинг “Ичан қалъа”сига ташрифни дунёвий зиёратга қиритиш мумкин [4.62].

Зиёрат туризмнинг ижтимоий ва маънавий аҳамияти катта. Муқаддас жойларга бориш индустриал жамият кишисини руҳий кечинмалари билан диалогга киришиш имкониятини беради. Зиёрат туризми оилаларни бирлаштиришга қулай шароит яратади, ижтимоий жиҳатдан ўсишга, инсоний бирдамлик, биродарликни ривожлантиришда, инсонни шахс сифатида тиклашга ёрдам беради. Ижтимоий ва ирқий табақаланишни қискартиришга олиб келади.

Зиёрат туризмнинг аҳамияти ва кўлами катта, у бундан кейин ҳам муҳим туризм сегментларидан бири бўлиб қолаверади.

Қадимда, ҳали замонавий транспорт ва коммуникация воситалари йўқ даврларда Шоҳи-Зинда мақбаралар некрополь-мажмуасига дафн этилган Қусам ибн Аббос мазорини зиёрат қилиш одат бўлган. Бу мажмуа ҳозир ҳам зиёратчилар билан гавжум. Шунингдек, Самарқандда Имом Бухорий, Хўжа Дониёл қабрлари, Ҳазрат Хизр масжиди муқаддас жойлардан ҳисобланади. Бухородаги “Етти пир” мемориал ансамбллари, Сурхондарё вилоятидаги Ҳаким ат-Термизий, Исо ат-Термизий қабрлари устига қурилган мажмуалар ана шундай муқаддас қадамжолардан саналади.

Зиёрат туризмини бошқа туризм шаклларида ажратиш анча қийин, албатта. Муқаддас жойларни зиёрат қилиш учун келганлар фақатгина азиз авлиёлар қабрини зиёрат қилиш билан чекланмайдилар, албатта. Улар шаҳарларнинг бошқа диққатга сазовор тарихий, маданий объектлари, меъморий обидаларини бориб кўрадилар. Маҳаллий аҳоли турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ўлмас қадриятлари билан, замонавий ҳаёти билан ҳам танишадилар. Шаҳар ва шаҳарлараро транспорт, ҳамда коммуникация воситаларидан фойдаланадилар. Миллий тансиқ таомлардан тановул қилиб, ҳар хил сувенирлар, миллий либослар харид қиладилар. Демак, зиёрат туризмнинг иқтисодий-молиявий аҳамияти ҳам катта.

Шу билан бирга, ишбилармонлик, хизмат сафари, мамлакат тарихи, иқтисодиёти, маданиятига қизиқувчилар, конгресс бўйича ташрифчилар орасида ҳам диний объектлар –

масжидлар, мадрасалар, сағана ва мақбараларни бориб кўрувчилар ҳам кам эмас. Тошкент шаҳрига ташриф буюрувчиларнинг кўпчилиги Ҳастимом (Ҳазрати Имом) мажмуасини зиёрат қилмасдан кетмайди.

Тўғри, соф зиёрат мақсадида ташриф буюрувчилар асосан катта ёшдаги ўзига тўқ, ҳисоб-китоб билан иш юритадиган кишилардир. Улар ортиқча ҳаражатларни хуш кўрмайди. Тунги клублар, дискотека ва кўнгилочар жойларга бормайди. Бу – табиий. Бу зиёрат туризми кам даромадли соҳа дегани эмас, албатта. Зиёрат туризмида жуда катта маънавий, сиёсий, ижтимоий самаралардан ташқари, турли молиявий ресурслар, сарф-ҳаражатлар ҳам борки, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш сарфланган маблағни тўла қоплабгина қолмасдан фойда ҳам келтиради. Бунинг устига зиёратчи-туристларга кўрсатиладиган барча хизматлар текинга эмас.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда зиёрат туризмини умумий туризмнинг бир тармоғи сифатида ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, инфратузилмасини ривожлантириш, соҳани ўрта махсус ва олий малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Исломизм ривожига улкан ҳисса қўшган улуг аجدодларимиз мақбаралари обод қилиниб, у ерларда масжид ва мадрасалар, зиёратчилар учун хос меҳмонхоналар қурилиб улар атрофида боғ-роғлар барпо этилди. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ва бир қатор университетларда бакалавр ва магистратура таълими йўлга қўйилди. Бу йўналишга оид адабиётлар чоп этилиб, ҳужжатли ва бадиий кинофильмлар яратилмоқда, илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, диссертациялар ҳимоя қилинмоқда.

Ўзбекистонда бугунги кунда ислом маданияти (цивилизацияси) ривожига ҳар қачонгидан-да кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистондаги халқаро ислом академияси, Ўзбекистон Ислам цивилизацияси маркази, Тошкент олий Ислам институти, Мир Араб олий мадрасаси каби илмий-маърифий, ўқув муассасаларининг таъсис этилиши ҳадис, калом, фикҳ мактабларининг ташкил қилингани фикримизнинг ёрқин далилидир [1.39].

Ички ва зиёрат туризми йўналишида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ҳозирда Туризм ва маданий мерос вазирлиги тизимида 2 та илмий тадқиқот институти

(туризм ва маданий мерос йўналишларида) 4 та коллеж, 6 та техникум ҳамда Самарқандда жойлашган Ипак йўли халқаро туризм ва маданий мерос университети фаолият олиб бормоқда. Университетда малакали хорижлик ҳамда хорижда таълим олган мутахассислар дарс ўтишади. Зиёрат туризми йўналишида магистратура ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш учун мустаҳкам асос мавжуд. Бу ерда нафақат исломий, балки христианлик ва буддавийликка оид кўплаб ёдгорликлар мавжуд.

Буюк алломаларни берган бу муқаддас замин, юрт чет эллик туристларни, айниқса, зиёратчи сайёҳларни ўзига оҳанграбодек тартади. Аммо ҳанузгача зиёрат объектлари ахборотлар пакети тўла шаклланмаган, зиёратни ташкил этишда инновацион рақамли омиллардан фойдаланиш механизми яратилмаган, зиёрат объектлари хариталари талаб даражасида эмас. Шу муносабат билан мамлакатимизда зиёрат туризми электрон интеграцион платформасини яратиш долзарб бўлиб турибди. Бу муаммони эътиборга олиб Ўзбекистон халқаро ислом академиясида шундай ноёб электрон платформа давлат гранти асосида яратилмоқда. Бу лойиҳанинг яратилиши Ўзбекистонда мавжуд йирик муқаддас қадамжолар, ноёб объектлар, меъморий ёдгорликлар, маданий, маънавий ва моддий бойликларнинг халқаро тажрибаларга асосланган ягона интеграцион реестрини тузиш, муқаддас қадамжолар, ноёб объектлар, меъморий ёдгорликлар, маданий, маънавий ва моддий бойликларнинг аниқ тарихий манбаларга асосланган тавсифини яратиш, уларга халқаро стандартлар асосида бренд бериш, “Ўзбекистон зиёрат объектлари” фото альбоми, ОТМларнинг иктисодиёт, тарих, диншунослик, исломшунослик йўналишлари талабалари учун электрон ўқув мажмуасини яратиш имконини беради.

2021 йил 9 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6165-сон фармони ҳамда мазкур Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 100-сон қарори қабул қилинди [3.4].

Ушбу меъёрий ҳужжатлар республикада туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулотини ва хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, мақбул ва қулай ички ва халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлашга доир вазифа ва чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди. Жумладан, Самарқандда туризмга хизмат қиладиган халқаро аэропорт фаолияти йўлга қўйилди. Аэропорт соатига 800 йўловчига хизмат кўрсатиш, “очиқ осмон” режимида фаолият олиб бориш, доимий рейслар сонини ҳафтасига 40 тадан 120 тагача ошириш салоҳиятига эга. Мустақил экспертлар аэропорт орқали йўловчи оқимининг йилига 480 минг кишидан 2 млн кишига ошириш имконияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

ХУЛОСА

Хорижий тажрибадан келиб чиқиб, салоҳиятли шаҳар ва туманларда сайёҳлар ҳамда меҳмонлар учун хизмат кўрсатувчи тунги савдо комплекслари ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан ишлар бошланган. Дастлаб Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида сайёҳлар учун шароитлар яратилмоқда. Сайёҳлар учун 24 соат давомида хизмат кўрсатишга эришиш орқали аҳоли бандлиги таъминланади. Бунга ўхшаш ички ва зиёрат туризми инфратузилмасини яратиш ишлари мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида олиб борилмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ислон энциклопедияси. 1-жилд. – Тошкент: ЎХИА нашриёти, 2020, 11-42 – бетлар.
2. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, 35 мақсад, 2022 йил 28 январь // <https://lex.uz/docs/5841063>
3. Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ – 6165-сон фармони // <https://lex.uz/docs/5283956>
4. Тухлиев Н., Жиянов У. Туризмнинг ривожланиш миллий моделлари. – Тошкент: Илм-зиё-заковат, 2020. 60-67 – бетлар.